

МУҲАММАДБИЙ ҚУШБЕГИ - ҚУЛЛИКДАН ҚУШБЕГИЛИККАЧА

Омонов Мансур Мухторович
University of Science and Technologies
Молия факултети ёшлар билан
ишлаш бўйича декан ўринбосари

Аннотация: Ушбу мақолада Бухоро амирлиги давлат бошқарувида муҳим рол ўйнаган қўшбеги лавозими ҳақида ҳамда келиб чиқиши эроний қуллардан бўлиб қўшбеги – бош вазир даражасига кўтарилган Муҳаммадбий қўшбеги тўғрисида маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: Бухоро амирлиги, қўшбеги, Муҳаммадбий қўшбеги, Муҳаммад Ҳакимбий қўшбеги, амир Саййид Музаффархон, амир Саййид Абдулахатхон, кулли қўшбеги, Аҳмад Дониш, девонбеги.

Бухоро амирлиги давлат бошқарувида қўшбеги мансабини мавқеи жуда юқори бўлиб, у амалда бош вазир ҳисобланарди. Қўшбеги амир йўқ вақтида пойтахтда унинг ўринбосари ҳисобланар, барча уруш ва сулҳ, молиявий аҳвол, хазина ҳаражатлари ва даромадлари, дунёвий амалдорларни тайин этиш ва бўшатиш, танҳо ва унвонлар бериш, сарой хавфсизлиги ва бошқа масалалар ҳам унга боғлиқ эди.

Бухоро амирлиги қўшбегиларининг баъзилари асли келиб чиқиши эроний қуллардан бўлиб, кейинчалик ҳукмдорга садоқати ва қобилиятлари туфайли улар энг юқори мансабгача кўтарилганлар (м-н; Давлат қўшбеги, Муҳаммад Ёқуббий қўшбеги, Муҳаммадбий қўшбеги).

Муҳаммадбий (Мулла Муҳаммадбий) Бухоро амирлигининг 1870-1889-йиллардаги қўшбегиси – бош вазири бўлган. У амир Музаффарнинг энг яқин амалдорларидан бири бўлиб, куллиқдан қўшбегиликкача кўтарилган.

Муҳаммадбийнинг асли келиб чиқиши форс(эроний)лардан бўлиб, 1808-йил(1811-йил, ёки 1813-йил)¹да Эроннинг Машҳад шаҳри яқинидаги Қарай шаҳрида туғилган. Ўн-ўн икки ёшларида туркман қабилалари томонидан асирга олиниб қул қилинган ва 1820-йилда сотиш учун Бухоро шаҳрига олиб келинган. Бухоронинг қул бозоридан уни ўша вақтда Бухоро амирлигининг қўшбегиси бўлган Муҳаммад Ҳакимбий қўшбеги бир неча тиллага сотиб олади.

1840-йилда Муҳаммад Ҳакимбий қўшбеги амир Насрулло буйруғи билан қатл этилади. Муҳаммадбий Муҳаммад Ҳакимбий қўшбегининг барча қуллари ва мол-мулки қатори давлат хазинасига олинади ҳамда тахт вориси бўлмиш Саййид Музаффарнинг хизматига ўтказилади. Шундай қилиб, 1840-йилдан Муҳаммадбий Саййид Музаффарнинг хизматкорлари қаторига қўшилади.

Унинг ажойиб қобилиятлари тахт вориси Саййид Музаффарнинг эътиборини ўзига тортади. 1860-йилда амирлик тахтига Саййид Музаффар ўтиргандан кейин Муҳаммадбий кетма-кет миршаб, мироб ва саркарда лавозимларига тайинлайди. Муҳаммадбий саркарда лавозимида Бухоро

¹ А.Г.Недвецкий. Правители Бухары.

амирлигининг рус императори кўшинларига қарши бўлиб ўтган Жиззах, Самарқанд ва Зирабулоқ жангларида қатнашади.

Рус империяси билан урушлар тугагандан сўнг Муҳаммадбий Шаҳрисабз беги этиб тайинланади ва ўзининг қобилиятлилиги, фаоллиги ҳамда серғайратлилигини намоён этади. 1870-йилда амир Музаффар уни ўша пайтда бўш турган кўшбеги лавозимига тайинлайди.

Муҳаммадбий кўшбеги амир Музаффар вафот этгунга қадар унинг ёнида бўлади. Янги амир Саййид Абдулахатхонни тахтга ўтқозиш маросими (кигизда кўтариш)да иштирок этади ҳамда ўз лавозимини сақлаб қолади ва умрининг охиригача амир Саййид Абдулахатхон саройида кулли кўшбеги (олий кўшбеги) лавозимини (1885-1889-йй.)² эгаллаб келади.

1886-йилда амир Саййид Абдулахатхон томонидан Муҳаммадбий оила аъзолари ва хизматкор-қуллари билан биргаликда расман кулликдан абадий озод этилади.

“Гарчи Бухоронинг туб аҳолиси Муҳаммадбийга келгинди ва шиа деб қараб, унга нисбатан хийла ва фитналар уюштириб туришларига қарамай, Муҳаммадбий ўзининг ўн тўққиз йиллик кўшбегилик фаолияти давомида ҳам амирлар(амир Музаффар ва амир Абдулахад)нинг, ҳам оддий халқнинг манфаатларига чуқур садоқат билан хизмат қилди. У умрининг сўнгги кунларигача давлат ишларига бевосита иштирок этиб келди. Пойтахт аҳолиси уни хурмат қилганлар. Амирликнинг ўша пайтдаги аҳволидан хабардор баъзи кишиларнинг гувоҳлик беришларича, ҳеч кимдан Муҳаммадбий тарафидан зулм, фитна ва адолатсизликлар бўлганлиги ҳақида эшитмаганлар”³.

Тарихчи Аҳмад Дониш асарларида Муҳаммадбий кўшбеги ҳақида қуйидаги фикрлар учрайди. “*Бухоронинг бошқаруви Муҳаммадшоҳ кўшбеги қўлида эди. У бепарво, ўқимаган, ақлсиз киши эди. Ҳамма вақт касал ва ҳатто хукмдорга ҳақиқатни етказишга ҳам журъатсиз эди*”⁴. Аҳмад Дониш Муҳаммадбий кўшбегининг фаолияти Бухоро давлатини таназзулга олиб келди деб ҳисобларди. “*Бухоро давлатининг умумий йўналиши ва унинг таназзулга учраши аниқ сабаб билан боғлиқ ва бу (сабаб) Муҳаммадбий кўшбегидир*”⁵, деб ёзади Аҳмад Дониш.

Муҳаммадбий кўшбегининг хотини амир Насруллонинг собиқ куллари билан бири эди. Унинг ўғли Муҳаммад Шариф девонбеги амир Музаффар даврида Бухоронинг бош закотчиси лавозимини эгаллаган эди. Саййид Абдулахатхон тахтга ўтиргач (1885-йил 4-ноябрда), Муҳаммад Шариф девонбеги унинг энг яқин маслаҳатчисига айланади. Шунингдек амир Абдулахатхон унга Бухоронинг Россия ҳукумати билан муносабатларига оид барча ишларни бошқаришни ҳам топширган эди. Бутун мамлакат ва амир Абдулахатхоннинг ўзи ҳам Муҳаммад Шариф девонбегига отаси

² Мирза Салимбек. Тарих-и Салими (Источник по истории Бухарского эмирата). -Ташкент.: Akademiya, 2009.

³ А.Г.Недвецкий. Правители Бухары.

⁴ Аҳмад Дониш. История мангитской династии. — Душанбе: Дониш, 1967. С. 42-43.

⁵ Аҳмад Дониш. История мангитской династии. — Душанбе: Дониш, 1967. С. 62-63.

Муҳаммадбий давомчиси сифатида бўлажак қўшбеги деб қарар эди.

Аммо 1888-йилда Муҳаммад Шариф девонбегининг фожеали ўлими Муҳаммадбий қўшбегига қаттиқ таъсир кўрсатади. Муҳаммадбий қўшбеги бу фожеали воқеадан сўнг узок яшамайди. У 1889-йилнинг 10-ноябрида 81 ёшида вафот этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. А.Г.Недвецкий. Правители Бухары.
2. Мирза Салимбек. Тарих-и Салими. – Ташкент. Академия, 2009. – 330 с;
Ахмад Дониш. История мангитской династии. - Душанбе: Дониш, 1967. -142 с.